

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ДИЛФУЗА САИДАЗИМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА
ИШ ВАҚТИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the Doctoral Dissertation Abstract

Абдуллаева Дилфуза Саидазимовна Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш.....	3
Абдуллаева Дилфуза Саидазимовна Правовое регулирование рабочего времени в Республике Узбекистан и зарубежных странах.....	23
Abdullaeva Dilfuza Saidazimovna Legal regulation of working hours in the Republic of Uzbekistan and foreign countries.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ДИЛҒУЗА САИДАЗИМОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА
ИШ ВАҚТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.05 – Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Үн406 рақам билан руйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Исмоилов Шухратжон Абдусаминович юридик фанлар доктори (DSc)
Расмий оппонентлар:	Холмуминов Жуманазар Тоштемирович юридик фанлар доктори, профессор Зиядуллаев Махмуджон Журакулович юридик фанлар буйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўтақчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үн.22.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил 7 октябрь соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кучаси 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (980-рақам билан руйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кучаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил 22 сентябрь куни тарқатилди.

(2021 йил 22 сентябрдаги 10-рақамли реестр баённомаси).



И.Ф. Рустамбеков

И.Ф.Рустамбеков

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Ю. Ҳабибуллаев

Д.Ю.Ҳабибуллаев

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш қотиби, юридик фанлар номзоди, профессор

Н.Ф. Имомов

Н.Ф.Имомов

Илмий даражалар берувчи Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда иш вақтининг чекланган муддати ва дам олиш ҳуқуқи муносиб меҳнатнинг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этилади. Иш вақти меҳнатнинг шартли сифатида ходимларнинг даромади, фаровонлиги, турмуш шароити яхшиланишига катта таъсир ўтказди. Шу сабабли Халқаро меҳнат ташкилоти тузилган вақтдан бошлаб, унинг фаолиятида иш вақти мавзуси марказий ўринни эгаллаб келган. Буни мазкур ташкилот томонидан халқаро меҳнат нормалари ичида биринчи бўлиб, 1919 йилда иш вақтига оид – «Саноат корхоналарида иш вақтини кунига саккиз соат ва ҳафтасига қирқ саккиз соатгача қилиб белгилаш тўғрисида»ги Конвенцияни қабул қилганлигида ҳам кўриш мумкин. Ушбу халқаро стандарт бутун дунёда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишни ислоҳ қилишда асос сифатида хизмат қилди.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда иш вақтининг юқори давомийлиги ходимларнинг соғлиғига, меҳнат вазифаларини хавфсиз бажаришига, шунингдек яшаш шароитларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Жанубий Корея (йилига 2069 соат), Мексика (йилига 2225 соат), Коста-Рика (йилига 2212 соат) каби хорижий мамлакатларда узоқ вақт ишлаш ҳануз долзарб муаммолигича қолмоқда. Шунингдек, айрим мамлакатларда (АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Шри-Ланка) иш ҳафтасининг давомийлигини чеклаш бўйича қонунчилик мавжуд эмас¹.

Жаҳонда сўнги йилларда бир қатор омиллар иш вақти ва меҳнатни ташкил қилиш соҳасида янги тенденцияларни вужудга келтирди. Глобаллашиш ва унинг оқибати сифатида рақобатнинг кескинлашуви, ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши, иш ва шахсий ҳаёт ўртасидаги мувозанатни таъминлаш бўйича хавотирнинг ортиши, товар ва хизматларнинг истеъмол талабига нисбатан янги моделларнинг пайдо бўлиши ишни ташкил қилишнинг мослашувчан усуллари, хусусан, анъанавий иш кунидан фарқ қиладиган мослашувчан иш кунини, тўлиқсиз бандлик, иш вақтини ҳисобга олишни мақбуллаштириш ва масофавий ишни қўллашнинг кенгайишига олиб келди. Пандемия сабабли келиб чиққан иқтисодий ва молиявий инқироз иш вақтига кучли таъсир ўтказди. Хусусан, иш жойларини сақлаб қолиш мақсадида ишнинг ҳажми камайишига мувофиқ тарзда бутун дунёда иш соатлари камайтирилди, ходимларнинг сезиларли қисми масофавий иш режимига ўтказилди².

Республикамизда ҳам иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ бир қатор назарий ва амалий муаммолар мавжуд. Хусусан, иш вақти тушунчасининг ҳажмини белгилаб олиш, иш вақтининг турларини қонунчиликда белгилаш, иш вақтининг муддатини чеклаш, иш вақтини марказий тартибга солишни шартномавий тартибга солиш билан

¹ https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/europe/ro-eneva/sro.moscow/documents/publication/wcms_344672.pdf

² https://www.ilo.org/global/topics/working-time/WCMS_305938/lang-en/index.htm

алмаштириш, иш вақти режимининг мослашувчан турларини татбиқ этиш, иш вақтидан ташқари ишлашни чеклаш каби масалаларни ҳал қилиш вазифаси турибди. Иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчиликни модернизация қилишда ушбу жиҳатларга алоҳида урғу берилган.

Хорижий мамлакатларда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида бир қатор илғор қоидалар амал қилмоқда. Хусусан, иш соатларини йил бўйича мослаб тақсимот қилиш, иш вақтини модуляциялаш, иш вақтини тўхтатиб туриш, индивидуал иш вақти, иш вақтининг нолли муддати билан тузиладиган меҳнат шартномалари шулар жумласидандир (Буюк Британия, Франция). Мазкур қоидаларни миллий қонунчиликда акс эттириш имкониятларини кўриб чиқиш ҳам тадқиқот ишининг долзарблигини кўрсатиб беради.

Иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш, бир томондан, ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришни таъминлайди (ходим томонидан меҳнат нормаларининг бажарилиши), бошқа томондан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида кафолатланган ходимларнинг дам олиш ҳуқуқини амалга оширади. Шунингдек, иш вақтининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси эканлиги уни ҳуқуқий категория сифатида тадқиқ этишни ҳам тақозо этади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар меҳнат қонунчилигини бозор иқтисодиёти шартларига мослаштириши, уни анча мослашувчан қилиши, меҳнат ва у билан бевосита боғлиқ муносабатларини жамоа-шартномавий ва индивидуал-шартномавий тартибга солишни сезиларли кенгайтириши, ходимлар ва иш берувчилар манфаатлари мувозанатини таъминлаши лозим. Юқоридаги фикрлар иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишга ҳам тўла тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1995 й.), «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги (2020 й.), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (2016 й.), «Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги (2019 й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017 й.) Фармони, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг «Қарантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзуси махсус монографик тадқиқот предмети бўлмаган. Бироқ айрим ҳуқуқшунос олимлар томонидан мазкур мавзу билан боғлиқ ўқув адабиётлари ёки илмий мақолалар чоп этилган. Хусусан, ҳуқуқшунос олимлар Х.В.Бурханходжаева, М.Ю.Гасанов, Б.Джамбакиев, А.А.Иноятов, Г.К.Саримсакова, Г.Д.Саттарова, Е.А.Соколов, Ў.Турсунов, М.А.Усманова, Ж.Т.Холмўминовлар томонидан чоп этилган ўқув адабиётлари ва илмий мақолаларда тадқиқот мавзуси билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар билдирилган.

МДХ давлатларида иш вақтининг айрим жиҳатлари билан боғлиқ комплекс тадқиқотлар З.А.Алиев, И.Я.Белицкая, З.В.Дзугкоева, В.С.Козлов, И.В.Малых, Н.Р.Никитина, А.Я.Петров, Г.В.Хныкин, А.С.Чанышевлар томонидан ўтказилган¹.

Хорижий мамлакатларда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари Hajime Wada (Nagoya University, Japan), John Pencavel (Stanford University, USA), Michelle Anderson (Loyola University New Orleans School of Law, USA), Mary Kelly (The University of Connecticut School of Law, USA), Marion Collewet, Jan Sauermann (Maastricht University, Netherlands), Vilde Hoff Bernstrøm (Oslo Metropolitan University, Norway), Jenny Kodz (The Institute for Employment Studies, Great Britain), Keith Townsend (Griffith University, Australia), Eva Munz (Institute of Social Opportunities Research, Germany), Gerhard Bosch (University of Duisburg-Essen, Germany) A.Werder (University of Zurich, Germany) томонидан ўрганилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида олиб борилган «Меҳнат қонунчилигини ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва меҳнат бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг илмий-назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ этиш» (2017–2021 йй.), «Ривожланган давлатлар қонунчилик амалиёти ва халқаро меҳнат ҳуқуқи ютуқларини назарий тадқиқ этиш асосида олинган натижаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини тадқиқ этиш» (2017–2021 йй.) илмий лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишни комплекс ва қиёсий ўрганиш асосида мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иш вақти тушунчаси ва унинг мазмунини кўриб чиқиш ҳамда хорижий мамлакатларда ушбу тушунчага берилган таърифларни таҳлил қилиш;

иш вақтининг турлари ва уларнинг хусусиятларини кўриб чиқиш;

иш вақти режими ва иш вақтини ҳисобга олишга оид хорижий мамлакатларда амал қилувчи моделларни ўрганиш;

нормал иш вақтидан четга чиқишнинг ҳуқуқий оқибатларини таҳлил

¹ Ушбу олимлар асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

қилиш;

мамлакатимизда ва хорижий мамлакатларда иш вақтини меҳнат ҳуқуқининг институти сифатида ривожланишининг асосий тенденцияларини аниқлаш;

иш вақтига оид ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва тадқиқ этиш;

хорижий мамлакатларда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишнинг моделларини қиёсий таҳлил қилиш асосида миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишни белгиловчи муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концепциялар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари илмий билишнинг тарихийлик, анализ ва синтез, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлилидан иборат.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иш вақти ходимнинг нафақат ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт, шунингдек ходимнинг меҳнат вазифаларини бажармаган, лекин меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва локал-норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда иш вақтига киритиладиган бошқа даврлар ҳам ҳисобланиши асослаб берилган;

меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ танаффуслар, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар, ходимнинг айбисиз бекор туриб қолиш, дам олиш ва байрам кунларидаги навбатчилик вақтлари, шунингдек тайёргарлик-топшириш ишлари кабилар иш вақтига киритиладиган бошқа даврлар эканлиги асослаб берилган;

иш жойи ва туридан қатъи назар ходимнинг муайян вақт оралиғида (ҳафталик, кунлик) меҳнат вазифаларини бажарадиган чекланган миқдордаги иш вақти ҳажми нормал иш вақти, шунингдек иш вақтининг нормал муддатидан кам бўлган ҳар қандай муддат унга мутаносиб иш ҳақи тўланганда тўлиқсиз иш вақти эканлиги асослантириб берилган;

иш вақти режимининг мустақил турлари сифатида сменали ишлардаги иш вақти режими, мослашувчан иш вақти режими, иш куни қисмларга бўлинган иш вақти режимининг таърифлари ишлаб чиқилган;

меҳнатдан фойдаланишнинг замонавий шаклларида (масофавий меҳнат, уй хизмати) иш вақти режимини эркин тарзда ташкил қилиш мумкинлигига оид қоидалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

муайян кафолат ва имтиёзлар билан иш вақтини жамоавий-шартномавий ва индивидуал-шартномавий тартибга солишни кучайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

таҳлиллар асосида ХМТнинг қатор конвенциялари ва тавсияларини Ўзбекистон учун ратификация қилишнинг долзарблиги аниқланди (175-сонли «Тўлиқсиз иш вақти шартида ишлаш тўғрисида»ги Конвенция (1994 й.), 171-сонли «Тунги меҳнат тўғрисида» ги Конвенция, 182-сонли «Тўлиқсиз иш вақти шартида ишлаш тўғрисида»ги Тавсия) ва тегишли нормаларни Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига киритиш таклиф қилинди;

мослашувчан иш вақти режимини, иш куни қисмларга бўлинган иш вақти режимини иш вақтининг режимининг мустақил тури сифатида қонун билан белгилаш асослантириб берилди;

масофавий ходимлар учун иш вақти режимини мустақил равишда белгилаш ҳақидаги қоидалар ишлаб чиқилди;

бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат қонунчилигининг мослашувчанлигини ошириш зарурати белгиланди, иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишни номарказлаштириш ва индивидуаллаштириш усуллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий натижалари меҳнат ҳуқуқининг иш вақти ҳақидаги илмий қарашларни кенгайтиради, иш вақти тушунчаси, иш вақтини нормалаштириш, иш вақтининг режимини белгилаш усуллари каби муҳим назарий масалаларни ҳал қилишда аҳамиятли ҳисобланади.

Тадқиқот ишнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклифларни амалга ошириш иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қилади, шунингдек ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда иш вақтининг турли режимларини белгилашга имкон беради. Тадқиқот натижаларидан ўқув мақсадлари учун хусусан, ТДЮУда махсус курсларни ўқитиш ёки бошқа юридик олий таълим муассасаларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишга оид тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

иш вақти ходимнинг нафақат ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт, шунингдек меҳнат вазифаларини бажармаган, лекин меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва локал-норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда иш вақтига киритиладиган бошқа даврлар ҳам

ҳисобланиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 190-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 06/1-05/2967-сон далолатномаси). Ушбу таклиф ходим иш берувчининг ихтиёрида бўлган ва ишланмайдиган бошқа вақтларни ҳам иш вақти таркибига киритишга хизмат қилган;

меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ танаффуслар, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар, ходимнинг айбисиз бекор туриб қолиш, дам олиш ва байрам кунларидаги навбатчилик вақтлари, шунингдек тайёргарлик-топшириш ишлари иш вақтига киритиладиган бошқа даврлар ҳисобланиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасининг 190-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 06/1-05/2967-сон далолатномаси). Мазкур таклиф иш вақтига киритиладиган бошқа даврларнинг турларини аниқлаш учун хизмат қилган;

иш вақтининг турлари сифатида нормал иш вақти, қисқартирилган иш вақти, тўлиқсиз иш вақтининг ҳуқуқий таърифлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасининг 191, 192, 195-моддаларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 06/1-05/2967-сон далолатномаси). Мазкур иш вақтининг турларига берилган ҳуқуқий таърифлар иш вақтига оид қонунчиликни бир хилда қўллаш ва зиддиятларни олдини олишга хизмат қилган;

сменали ишлардаги иш вақти режими, мослашувчан иш вақти режими, иш куни қисмларга бўлинган иш вақти режими иш вақти режимининг мустақил турларини ташкил қилиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасининг 201, 202, 203-моддаларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 06/1-05/2967-сон далолатномаси). Мазкур таклиф орқали сменали иш вақти режими, мослашувчан иш вақти режими, иш куни қисмларга бўлинган иш вақти режими тушунчалари ва мазмуни очиб берилган;

иш вақти режимини эркин тарзда ташкил қилиш мумкинлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг буйруғи билан тасдиқланган «Карантинга оид чоралар амал қилиш даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисида»ги Низомда ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги

01/00-04/10-6171-сонли хати билан берилган далолатномаси). Мазкур таклиф масофавий усулда ишлаётган ходимлар, уй хизматчилари каби айрим тоифадаги ходимларга иш вақтини мустақил равишда белгилаш имконини тақдим этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 8 та илмий мақола (3 та хорижий нашрда), 6 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, ўн иккита параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда иш вақтининг ҳуқуқий тавсифи»** деб номланган биринчи бобида иш вақти тушунчаси ва унинг ҳуқуқий категория сифатидаги аҳамияти, иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишнинг усуллари ва манбалари, иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари ўрганилган.

Мазкур бобда иш вақти тушунчаси ва унинг мазмунини ташкил қилувчи таркибий қисмлар илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 114-моддасига кўра, ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади. Ушбу моддада фақат ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти сифатида эътироф этилади. Аслида иш вақти ҳуқуқий тушунча сифатида ишланмайдиган бошқа вақтларни ҳам иш вақти таркибига киритади ҳамда ушбу даврлар учун иш ҳақи ҳисобланишини назарда тутаяди. Хусусан, Қозғистон Республикаси Меҳнат кодексининг (2015 й.) 67-моддаси, Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг (2016 й.)

66-моддаси, Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 91-моддасида иш вақтига берилган таърифларда иш вақти тушунчаси мазмунига нафақат меҳнат вазифалари бажариладиган, балки қонун ва бошқа локал ҳужжатларида назарда тутилган бошқа даврлар ҳам киритилишини кўриш мумкин. Европа Иттифоқида «Иш вақтини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари тўғрисида»ги Директивага (2003/88/Е, 04.11.2020 йил) кўра иш вақти деганда, ходим миллий қонунчилик ёки амалиётга мувофиқ иш жойида иш берувчининг ихтиёрида бўлган ҳолда ўз фаолиятини ёки ўз функцияларини амалга ошираётган ҳар қандай давр тушунилади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида белгиланган иш вақти тушунчасига янги таъриф таклиф этилмоқда. Унга кўра, иш вақти ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, локал-норматив ҳужжатлар ва меҳнат шартномасида назарда тутилган ҳолларда иш вақтига киритиладиган бошқа даврлар иш вақти ҳисобланади. Иш вақтига киритиладиган бошқа вақтларга киритиладиган даврлар алоҳида кўрсатиб берилади. Хусусан, уларга тайёргарлик-топшириш ишлари (топшириқлар, ашёлар, материаллар, иш қуролларини қабул қилиб олиш, ҳужжатлар ва техникалар билан танишиш, иш жойини тайёрлаш ва тозалаш, тайёр маҳсулотни топшириш ва бошқалар), меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ танаффуслар, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидалари бўйича ўқиш, ходим эркин фойдалана олмайдиган иш жойида бўлиш ва кутиш вақти, дам олиш ва байрам кунларидаги навбатчилик киради. Бундан ташқари иш вақти ҳуқуқий категория сифатида бошқа жиҳатларни ҳам қамраб олади. Жумладан, иш вақти бир вақтнинг ўзида меҳнатнинг ўлчови, меҳнат ҳуқуқининг институти, индивидуал меҳнат муносабатларининг элементи сифатида ҳам эътироф этилади.

Иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш меҳнат ҳуқуқининг турли усуллари орқали амалга оширилади. Буларга давлат ва шартномавий тартибга солишнинг уйғунлашган ҳолда қўлланилиши, тартибга солишнинг марказлашган ва локал усулининг уйғунлашган ҳолда қўлланилиши, шунингдек меҳнатни ҳуқуқий тартибга солишнинг бирлиги ва дифференциацияланганлиги киради. Ҳуқуқий адабиётларда, иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишда меҳнат ҳуқуқининг турли усулларида фойдаланишнинг мазмуни етарли даражада очиб берилмаган. Одатда асосий урғу иш вақти соҳасидаги кафолатларнинг минимал даражаси марказлашган тартибда ўрнатилганлиги ва улар жамоа келишувлари, жамоа шартномалари ва меҳнат шартномаси орқали иш берувчи ҳисобидан кенгайтириш мумкинлигига қаратилади. Шу сабабли мазкур параграфда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишда бирлик ва дифференциация, давлат ва шартномавий, марказий ва локал тартибга солишнинг қандай намоён бўлиши кўрсатиб берилади.

Иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишда манбалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишда меҳнат кодекси марказий ўринни эгаллайди, бундай амалиёт бошқа хорижий

давлатлар (Қозоғистон, Россия, Франция, Канада) учун ҳам хос. Бундан ташқари айрим хорижий мамлакатларда иш вақти махсус қонунлар, тариф келишувлари ва жамоа шартномалари билан ҳуқуқий тартибга солинади. Хусусан, Германияда «Иш вақти тўғрисида»ги Қонун (Arbeitszeitgesetz, 1994 й.), АКШда «Адолатли меҳнат шароитлари тўғрисида»ги Қонун (Fair Labor Standards Act, 1938 й.), Буюк Британияда «Иш вақти тўғрисида»ги Қоидалар (The Working Time Regulations, 1998 й.) иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишнинг манбалари ҳисобланади. Шунингдек, бошқа айрим хорижий давлатларда (Норвегия, Дания, Швеция) иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишда меҳнат шартномаси муҳим ўрин эгаллайди.

Иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишга оид халқаро нормаларда, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенция ва тавсияларида ҳам муҳим эътибор қаратилган. Хусусан, ХМТнинг 1919 йилда қабул қилинган 1-сонли «Саноатда иш вақти тўғрисида»ги Конвенцияси саккиз соатлик иш куни ва қирқ саккиз соатлик иш ҳафтасини ўрнатган. Ўзбекистон Республикаси ХМТнинг 47-сон (1935 й.) «Иш вақтини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида»ги конвенциясини ратификация қилган. ХМТнинг 116-сон (1962 й.) Тавсияси бўйича давлатларга иш вақти муддатини даврий равишда қисқартириш бўйича сиёсатни ишлаб чиқиш ва доимий равишда амалга ошириш тавсия қилинган. Шу сабабли Ўзбекистонда ҳам иш вақтини қисқартириш бўйича дунёда кечаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш зарур. Бундан ташқари иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишга оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича халқаро стандартларни имплементация қилишга эҳтиёж мавжуд. Жумладан, ХМТнинг 171-сон (1990 й.) «Тунги меҳнат тўғрисида»ги, 175-сон (1994 й.) «Тўлиқсиз иш вақтида банд бўлган ходимларнинг ҳимояси тўғрисида»ги конвенцияларда белгиланган илғор қоидаларни миллий қонунчиликда акс эттириш лозим. Шунингдек, халқаро нормаларда айрим соҳаларда ва айрим тоифадаги ходимлар иш вақтини тартибга солишга қаратилган бир қатор махсус нормалар белгиланган. Ўзбекистон миллий меҳнат қонунчилиги аёллар, ўсмирлар, кекса ишчилар, уй хизматчилари, меҳмонхона хизмати ишчилари каби айрим тоифадаги ходимларни иш вақтини ҳуқуқий тартибга солишга оид халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилиши лозим.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Иш вақтининг таснифланиши: миллий ва хорижий тажриба»** деб номланган. Ушбу бобда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда иш вақтининг таснифланиши, иш вақтининг нормал муддати ва унинг қонунчиликда белгиланиши, иш вақтининг қисқартирилган муддати ва уни белгилаш тартиби, тўлиқсиз иш вақти ва унинг хусусиятлари таҳлил этилган.

Мазкур бобда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар меҳнат қонунчилигида иш вақтининг таснифланиши кўриб чиқилган. Хусусан, МДХ давлатлари меҳнат қонунчилигига мувофиқ иш вақтининг учта тури ажратиб кўрсатилган. Булар нормал иш вақти, қисқартирилган иш вақти, тўлиқсиз иш вақти ҳисобланади. Иш вақтининг мазкур турлари бир-

биридан муддати ва белгиланиш тартибига кўра фарқланади. Хорижий мамлакатларнинг кўпчилигида (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония) иш вақтини учта турга (нормал, қисқартирилган, тўлиқсиз) бўлиниши кузатилмайди. Уларда асосан нормал иш вақти ва тўлиқ бўлмаган иш вақти бир-биридан фарқланади.

Ўзбекистон Республикасида нормал иш вақти муддати Меҳнат кодексига белгиланган бўлиб, қисқартирилган ва тўлиқсиз иш вақти ўрнатилмаган барча ҳолларда татбиқ этилади. Нормал иш вақтининг муддати турли давлатларда турлича белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 115-моддасига кўра, ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Францияда ушбу муддат 35 соатни ташкил қилса, Германияда ҳафталик нормал иш вақтининг муддати 48 соатни ташкил қилади, бироқ ушбу муддатга иш вақтидан ташқари ишлашнинг муддати ҳам киритилган. Таъкидлаш лозимки, нормал иш вақти ҳафтасига 40 соатгача белгиланган бўлсада, мазкур соатдан кам бўлган муддатни иш вақтининг нормал муддати сифатида белгилаш тартиби ишлаб чиқилмаган.

Қисқартирилган иш вақти мазмуни шундан иборатки, бунда ходим нормал иш вақтидан кам ишласа-да, унинг иш ҳақи қисқартирилмайди. Ўзбекистон Республикасида қисқартирилган иш вақти айрим тоифадаги ходимлар учун ўрнатилган. Қисқартирилган иш вақтининг муддати қонунлар, жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари, меҳнат шартномаси билан ўрнатилиши мумкин. Бундан ташқари барча ходимлар учун байрам арафасида иш учун ва тунги вақтда ишлаганда иш вақти қисқартирилади. Иш вақтининг бундай қисқаришини қисқартирилган иш вақти сифатида эътироф этиш мунозарали ҳисобланади. Бу ўринда иш вақтининг қисқартирилган муддати ҳар доим дифференциация қоидалари билан боғлиқлигини қайд этиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, иш вақтининг мазкур тури хорижий мамлакатларда кенг тарқалмаган. Масалан, Францияда иш вақтини қисқартириш моҳият жиҳатидан миллий қонунчилигимизда белгиланган қисқартирилган иш вақтидан бутунлай фарқ қилади. Франция меҳнат қонунчилигида иш вақтини модуляция қилиш тушунчаси мавжуд бўлиб, бунда ходимнинг айби билан боғлиқ ҳолда интизомий жазо сифатида ёки узрли сабаблар мавжуд бўлганда иш вақти қисқартирилиши мумкин. Буюк Британия, АҚШ, Германия, Франция каби давлатлар меҳнат қонунчилигида ходимларнинг айрим тоифалари учун иш вақтини қисқартириш бўйича аниқ ва батафсил нормалар мавжуд эмас. Мазкур давлатларда ходимларнинг бундай тоифаси учун қисқартирилган иш вақтига оид нормалар тармоқ келишувлари ёки тариф шартномаларига киритиш орқали эришилади.

Тўлиқсиз иш вақти нормал ва қисқартирилган иш вақтининг шундай қисмики, унинг муддати иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ аниқланади. Бунда иш ҳақи ишланган вақтга мутаносиб равишда ёки ишбай ишлаганлик учун амалда бажарилган ишнинг баҳоси бўйича тўланади. Шунингдек, тўлиқсиз иш вақти бевосита қонунда назарда тутилган

ҳолларда ҳам ўрнатилади. Тўлиқсиз иш вақтини минимал ёки максимал муддатларини белгилаш бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистонда тўлиқсиз иш вақти учун минимал ва максимал муддат белгиланмаган. Бундан ташқари, хорижий мамлакатларда тўлиқсиз иш вақти белгилашни рад этишнинг асослари ишлаб чиқилган. Германиянинг «Тўлиқсиз бандлик ва иш вақтига оид чекловлар тўғрисида»ги Қонунида (№ BGB1, 2000) ишчи кучининг этишмаслиги, юқори харажатлар, рақобатбардошликнинг камайиши, ишлаб чиқариш жараёнига жиддий зарар кабилар тўлиқсиз иш вақтини белгилашни рад этишнинг асослари сифатида мустаҳкамланган. Бундан ташқари, хорижий мамлакатларнинг тўлиқсиз иш вақтидан нормал иш вақтига қайтиш тартиби ва асосларига доир тажрибалари ўрганилди.

Диссертациянинг «**Иш вақти режими ва иш вақтини ҳисобга олишни ҳуқуқий тартибга солиш**» деб номланган учинчи бобида иш вақти режими тушунчаси, уни ўрнатиш тартиби ва турлари, иш вақтини ҳисобга олиш тушунчаси ва унинг турлари кўриб чиқилади.

Корхоналарда иш вақти режимининг тўғри танланиши ва қўлланилиши катта амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 120-моддасига мувофиқ иш вақти режими деганда кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидаги сменалар сони, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмашиниши, ходимларнинг сменадан сменага ўтиш тартиби тушунилади. Ушбу модданинг камчилиги шундан иборатки, унда иш ҳафтасининг турлари иш вақти режими таркибига киритилмаган. Бошқа айрим хорижий давлатларда, хусусан, Россия Федерацияси Меҳнат кодекси (100-модда) ва Қозоғистон Республикаси Меҳнат кодекси (100-модда)да иш ҳафтасининг турлари иш вақти режими тушунчаси мазмунини ташкил этади. Шунингдек, айрим мамлакатлар меҳнат қонунчилигида (Россия Федерацияси) иш вақти режимининг тушунчасига айрим тоифадаги ходимлар учун нормаланмаган иш кунини ишлаш ҳам киритилган. Шу сабабли ушбу таркибий қисмларни миллий меҳнат қонунчилигида иш вақти режими тушунчаси мазмунига киритиш имкониятлари кўриб чиқилади.

Хорижий мамлакатларда беш кун ишланадиган иш ҳафтаси асосий иш ҳафтаси сифатида тобора кенг қўлланилмоқда. Хусусан, Қозоғистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган Меҳнат кодексига (2015 й.) умумий қоидага кўра ходимлар учун беш кун ишланадиган иш ҳафтаси ўрнатилади. Олти кунлик иш ҳафтаси меҳнат шартлари ва ишлаб чиқариш тусига кўра беш кунлик иш ҳафтасини ўрнатиш мумкин бўлмаган тақдирда белгиланади. Мазкур қоида иш вақти режимига оид илғор қоида ҳисобланиб, миллий қонунчилигида ҳам уни мустаҳкамлашга доир тақлифлар ишлаб чиқилган.

Иш вақти режимини белгилаш тартиби бўйича нормалар таҳлили шуни кўрсатадики, улар бир-биридан катта фарқ қилмайди. Хусусан, иш вақти режими ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа келишувлари ва жамоа

шартномалари, шунингдек меҳнат шартномалари орқали белгиланади (Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Россия Федерацияси).

Хорижий давлатлар қонунчилигида сўнгги ўн йилликлар мобайнида турли хил мобил иш вақти режимлари қонунийлаштирилди, бу нафақат давлатнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича ғамхўрлиги, балки аёллар ва ёшлар орасида ишсизлик муаммоларини ҳал қилишнинг энг муҳим қафолати бўлди. Хусусан, Франция, Германия ва АҚШ каби давлатларда «қисмларга бўлинган иш куни», «мослашувчан иш вақти режими», «қисқартирилган иш ҳафтаси», «чақирув бўйича ишлаш», «вахта усулидаги иш вақти режими», «уй хизматчилари иш вақти режими» каби ностандарт иш вақти режимидан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда. Бироқ, миллий меҳнат қонунчилигида иш вақти режимига оид қоидалар лозим даражада ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига «сменали ишлардаги иш вақти режими», «мослашувчан иш вақти режими», «иш куни (смена) қисмларга бўлинган иш вақти режими» каби иш вақти режимининг турларини киритиш таклиф этилган. Таъкидлаш лозимки, иш вақти режимининг бундай турлари ҳуқуқ тизимимиз ўхшаш бўлган мамлакатлар (Қозоғистон, Тожикистон) қонунчилигига яқин йиллар ичида белгилаб қўйилди. Шунингдек, иш вақти соҳасидаги глобал тенденциялардан яна бири иш вақти режимини индивидуаллаштириш ва персоналлаштиришдан иборат бўлиб, ушбу амалиётни кенг татбиқ этилиши замонавий ишлаб чиқаришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Иш вақтини ҳисобга олишни ҳуқуқий тартибга солиш ҳам муҳим ўрин тутуди. Иш вақтини ҳисобга олиш ходим томонидан муайян давр мобайнида ишлаган иш вақтини ҳисобга олиб боришнинг тартибини ўрнатишни англатади. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида иш вақтини ҳисобга олишнинг учта тури мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Булар иш вақтини кунлик ҳисобга олиш, ҳафталик иш вақтини ҳисобга олиш, иш вақтини жамлаб ҳисобга олишдир. Хорижий давлатлар тажрибаси иш вақтини ҳисобга олиш бўйича меҳнат қонунчилигининг айрим нормаларини такомиллаштириш учун асос бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига (123-модда) иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш ҳеч қандай шартларсиз татбиқ этилиши мумкин. Бошқа хорижий давлатларда иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш ишлаб чиқариш шартларига ёки айрим иш турларини бажаришда (Россия) ёхуд узлуксиз ишлайдиган ташкилотлар ва айрим иш турларида кунлик ва ҳафталик иш вақтига риоя қилиш мумкин бўлмаганда татбиқ этилиши белгиланган. Шунингдек, иш вақтини ҳисобга олиш тартиби ҳақидаги қоидаларни бошқа давлатлар (Қозоғистон, Тожикистон) тажрибасини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш талаб этиши ҳақидаги таклифлар илгари сурилади.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда нормал меҳнат шароитларидан четга чиқилганда иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш» деб номланган тўртинчи бобида мамлакатимизда ва хорижий мамлакатларда иш вақтидан ташқари иш ва уни ҳуқуқий тартибга солиниши, ишланмайдиган байрам кунлари арафасидаги

ишнинг муддати, шунингдек тунги вақтдаги ишнинг муддатига қоидалар ўрганилган.

Иш вақтидан ташқари ишлаш ва унинг муддатига оид қоидалар турли мамлакатларда ўзига хос тарзда шаклланган. Айрим давлатларда иш вақтидан ташқари ишлашга оид махсус қоидалар (Россия, Қозоғистон, Грузия, Латвия) ишлаб чиқилган бўлса, бошқаларида (АҚШ, Буюк Британия) умумий қоидаларни ўрнатиш билан чекланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 124-моддасига мувофиқ, ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш ҳисобланади. Иш вақтидан ташқари ишга берилган мазкур таъриф иш вақтини жамлаб ҳисобга олинмаган турини инобатга олмайди. Шу сабабли иш вақтидан ташқари ишга нафақат кундалик иш муддатидан ташқари иш, балки жамлаб ҳисобга олишнинг нормал муддатидан ташқари ишлаш ҳам киритилиши таклиф этилмоқда. Иш вақтидан ташқари ишга берилган бундай таърифлар бошқа мамлакатлар қонунчилигида (Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 99-моддаси, Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 79-моддаси) мустаҳкамлаб қўйилган. Айрим хорижий давлатларда ҳафталик иш вақтидан ортиқ ишлаш (АҚШда ҳафтасига 40 соатдан ортиқ ёки Францияда ҳафтасига 35 соатдан ортиқ) иш вақтидан ташқари иш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 124-моддаси иккинчи қисмига кўра, иш вақтидан ташқари ишлар ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин. Таъкидлаш ўринлики, жамоа-шартномавий ва локал ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномасида иш берувчи иш вақтидан ташқари ишга ходимни жалб қилиш ҳуқуқини берадиган истисно ҳолатларни белгилашга ҳақли эмас. Кўриниб турибдики, иш вақтидан ташқари ишга жалб қилиш учун асос сифатида миллий меҳнат қонунчилигида фақат ходимнинг розилиги бўлиши талаб этилади. Шу сабабли кўп мамлакатларда иш вақтидан ташқари ишлаш ихтиёрий ҳисобланади. Аксинча, айрим мамлакатларда қонунда ва бошқа локал ҳужжатларда мустаҳкамланган бўлса иш вақтидан ташқари ишлашга мажбурий жалб қилиш ҳам мумкин. Масалан, Буюк Британияда иш вақтидан ташқари иш жамоа шартномасида ёки меҳнат шартномасида назарда тутилса мажбурий ҳисобланади. Бутун дунёда таркиб топган амалиёт иш вақтидан ташқари ишга жалб қилиш ходимнинг розилигини олган ҳолда ёки бундай розиликни олмасдан туриб амалга ошириш мумкинлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида иш вақтидан ташқари иш кимнинг ташаббуси билан амалга оширилиши ҳақида аниқ қоида мавжуд эмас. Россия Федерациясида иш вақтидан ташқари ишга иш берувчининг ташаббуси, Тожикистон Республикасида иш берувчининг ходимлар вакиллик органи билан келишилган тартибда жалб қилинади. АҚШда иш вақтидан ташқари иш ҳам ходимнинг, ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бажарилиши мумкин. Шунингдек, Францияда иш вақтидан ташқари ишга жалб этишга меҳнат инспекцияси санкцияси ёки касаба уюшмасининг розилиги билан йўл қўйилади.

Ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида иш вақтидан ташқари ишга жалб қилишнинг аниқ асослари кўрсатиб берилади. Хусусан, биринчи гуруҳ асослари ишлаб чиқариш зарурияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келиб, унда ходимнинг ёзма розилиги мавжуд бўлган тақдирда бундай ишларга жалб қилиш мумкин бўлади. Иккинчи гуруҳга, фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ ишлар кириб, унда ходимнинг розилигидан қатъи назар иш вақтидан ташқари ишга жалб қилинишига рухсат берилади. Ва ниҳоят учинчи гуруҳга иш вақтидан ташқари ишга жалб қилиш учун ходимнинг ёзма розилиги олинishi зарур бўлган бошқа барча ҳоллар киради.

Шунингдек, иш вақтидан ташқари ишга жалб қилиш муддатлари бўйича ҳам турли хил тажриба мавжуд. Масалан, иш вақтидан ташқари ишнинг муддати АҚШда чекланмаган бўлса, Францияда 220 соатни, Россияда 120 соатни ташкил қилади. Ўзбекистонда ушбу муддат 120 соатни ташкил қилиб, у ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш имконини беради.

Дам олиш ва байрам кунлари ишлашга жалб қилиш ҳам нормал меҳнат шароитлардан четга чиқиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 130-моддасига кўра дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Бироқ, иш берувчининг фармойишига кўра айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳолларда, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишиб белгиланган асослар ва тартибда йўл қўйилади. Таъкидлаш лозимки, дам олиш кунлари фавқулодда ҳолат ва ишлаб чиқариш заруратига кўра ходимларни мажбурий равишда ишга чиқишини назарда тутмайди, бу эса иш берувчининг зудлик билан ҳал этиши лозим бўлган айрим вазифаларни бажаришга тўсқинлик қилади. Ваҳоланки, байрам (ишланмайдиган) кунлари ишга жалб қилишда бундай қоида амал қилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 132-моддасини «ишланмайдиган байрам кунлари ишга жалб этишни чекланиши» деб номланиши мақсадга мувофиқ, сабаби ишланадиган байрам кунлари ҳам мавжуд бўлиб, бу кўпинча турли тушунмовчиликларга сабаб бўлади.

